O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

«Эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 17-may • Payshanba • 59 (27.704) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 320 ўринли янги мактаб биноси қуриб битказилмоқда.

— Янги ўқув йилида фойдаланишга топшириладиган ушбу таълим муассасаси қурилишида етмишга яқин бинокор меҳнат қилмоқда, — дейди «Бегижон-Мирзо ота» хусусий корхонаси раҳбари Ҳамид Мирзакаримов. — Ўқув биноси ва спорт зали қурилишини ниҳоясига етказдик. Ҳозир пардозлаш ишларини бажаряпмиз.

— Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ чекка ҳудудлардаги мактаблар ҳам замонавий қиёфа касб этмоқда, — дейди Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири Ўсарали Эралиев. — Ўтган давр мобайнида иккита янги мактаб фойдаланишга топширилган бўлса, йигирмага яқин мактабда капитал реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ўтган йили олтита мактаб капитал реконструкциядан чиқарилиб, битта мактаб капитал таъмирланди. Ушбу мактабларда спорт зали, ошхона ва лаборатория хоналари барпо этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ШАРОИТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Андижон вилоятида бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 86 та касб-ҳунар коллежи ва 11 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Мазкур замонавий ўқув масканларида малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётир.

— Айниқса, назарий билимларни шу ернинг ўзида мустаҳкамлаш мақсадида Польша, Германия, Япония давлатларининг имтиёзли кредити ҳисобидан кичик технологиялар, ўқув адабиётлари олиниши ёшларимиз учун катта имконият бўлди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А.Ҳошимов. — Ўқийман, касб ўрганаман деганлар учун барча шароитлар етарли.

Андижон автомобиль йўллари қурилиши касб-ҳунар коллежида ўқиш истагини билдирувчилар тобора ортиб бормоқда. Автомобилларни йиғиш, синаш, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва автодромларни таъмирловчи уста, бухгалтер-аудитор каби йўналишларни ўз ичига олган коллежда бугунги кунда 900 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Суратда: ўқитувчи Х.Мирзаев (ўнгда) автомобилларни таъмирлаш бўйича машғулот ўтказмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА)
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, «...юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда. Аммо бундай ўта муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳали ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур бўлган кўпгина муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим. Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда».

Мамлакатимизда 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ–573-сонли Қарори қабул қилинганлиги ҳам давлатимиз бошлиғи томонидан илгари сурилган вазифаларнинг бағоят долзарблиги ва алоҳида аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ташкил этган давра суҳбати «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари» деган мавзуга бағишланди. Тадбирда фуқаролар давлат пенсия таъминотининг мавжуд ҳуқуқий базасини янада такомил топтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ равишда амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди. Мазкур Қонунда давлат пенсияларининг ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси сингари турлари белгиланган.

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганлиги натижасида биздa Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга йўлланаётган харажатлар ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳукумат ҳар йили махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз нутқларида давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришнинг долзарб вазифаларини, юқорида зикр этилган Қонунни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил этишга, шунингдек, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқини илмий жиҳатдан ривожлантиришга муфассал тўхталдилар.

Шу билан бирга тадбир иштирокчилари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини инобатга олган ҳолда давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратдилар, бу борада жўяли фикр-мулоҳаза ва аниқ таклифлар билдирдилар.

Фикр алмашув якунлари асосида иштирокчилар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишга бевосита қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий таркибий бўлинмаларининг, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

❖ **Интеллектуал бойликка эга ёшлар — келажагимиз**

ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА ҚАНОТ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2005 йилдан буён «Келажак овози» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни қамраб олган бўлиб, истеъдодли ўғил-қизлар олти номинация бўйича беллашадилар. Кўрикни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, истеъдод соҳиблари бўлган ёшларни кашф этиш, ўз имкониятларига бўлган ишончни шакллантириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижоду билим чўққиларини эгаллашда кўмаклашишдан иборат.

Айни кунларда «Келажак овози — 2007» танловига ҳужжатлар қабул қилиш ишлари давом этмоқда. Мухбиримиз ёшларга чинакам қанот бўлаётган мазкур оммавий танлов ҳақида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази директори Баҳодир ШАРОПОВ билан суҳбатлашди.

2-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзолари дастлаб иккинчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан қўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги Қарори билан тасдиқланган Давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимияти роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепциясига асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади. Лойиҳада маъмурий қарорни холисона қабул қилиш шароитларини яратиш, маъмурий процесснинг очиқлигига эришиш, ишни кўриб чиқишда барча шахсларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган нормалар бор. Бу эса давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, уларнинг самарали ишлаш механизмларини яратади.

Ҳужжат юзасидан фракция аъзоларини қизиқтирган айрим саволларга қўйи палатанинг ялпи мажлисида лойиҳани муддама-модда кўриб чиқиш жараёнида аниқлик киритиб боришга келишиб олинди.

Депутатлар, шунингдек, биринчи ўқишда киритилаётган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган телекоммуникацияларнинг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги Қарори билан фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли органга идоравий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацияси ресурслари ва тармоқларидан устувор даражада фойдаланиш ва уларни марказлаштирилган тартибда бошқариш ҳуқуқи берилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси тайёрланди.

Бугун коммуникация соҳаси, алоқа тармоқлари шиддат билан ривожланиб бораяпти. Мамлакатимиз мустақиллигига қадар фақат биттагина оператор халқаро алоқалар билан шуғулланган бўлса, бугун бу борада 20 та оператор хизмат кўрсатаяпти. Тизимни модернизациялаш ишлари изчил давом этаяпти. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фавқулодда вазиятларда авария-тиклаш ва қутқарув ишларининг самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун фракция аъзолари лойиҳадаги айрим жузъий нуқсонларга эътибор қаратган ҳолда, уни биринчи ўқишда маъқуллашга келишиб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда «Демократик ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Ҳиндистоннинг Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди. Анжуманга кўплаб мамлакатлардан ушбу масалалар билан шуғулланувчи сиёсатшунослар ва экспертлар ташриф буюрди.

Анжуман иштирокчилари Тошкент яна бир бор демократик қурилиш ва дунёда, жумладан Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги каби замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича очиқ мулоқот ўтказиладиган жойга айланганини қайд этдилар. Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, бу Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бераётган самаралар билан боғлиқ. Мазкур ўзгаришларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси эса демократик жамият қуриш йўлидан бораётган бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий экспертлар Президент Ислом Каримовнинг геосиёсий ёки бошқа мақсадларда демократияни «экспорт» қилишга қарши сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертлибнинг фикрича, айнан Ўзбекистон биринчи бўлиб бундай маккорона демократлаштиришнинг салбий оқибатларини англаб етди ва собиқ шўро ҳудудида «рангли инқилоблар» тўлқинини тўхтатиб қолди. Чунки, бундай ҳаракатлар замирида демократия, демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шиорини ниқоб қилиб олган, аввало, жаҳонда ўз мафкураси ва таъсирини ўтказишга, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги катта миқдордаги энергетика ресурсларини ва уларни қайта тақсимлаш имкониятини қўлга киритишга интилаётган айрим қудратли давлатлар, кучлар ва марказларнинг геосиёсий ҳамда геоиқтисодий манфаатлари ётади.

— Ўзбекистон ҳар доим Европада ва дунёда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиб келган, — деб таъкидлади Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти бош тадқиқотчиси Пьер Шабаль. — Ўзбекистон ўз демократик ривожланиш йўлини танлаб олиб, сиёсий тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш йўлидан изчил ва қатъий бормоқда. Яқинда мамлакат Президенти ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилингач, бу ижобий жараён сифат жиҳатдан янги, янада юқори даражага кўтарилди. Мазкур ҳужжат сиёсий партияларни янада фаоллаштириш ва партияларо рақобатни ривожлантириш учун зарур асос ва шароитларни яратди.

Ҳиндистоннинг «Эйшн Эйж» («Осиё асри») газетаси бош муҳаррири Мубашар Жавед Акбарнинг фикрича, Ўзбекистонда аввалбошданоқ ўзгалардан нусха кўчириш йўлидан борилмади, балки жамиятни демократлаштиришдан мақсад адолат, тенглик ва эркинлик тамойилларига мос келадиган амалий натижаларга эришишдан иборат, деб белгилаб олинди. Демократияни экспорт қилиш ёки бу жараённи сунъий равишда тезлаштириш мумкин эмас. Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш шаклларини ҳар бир мамлакат бирон-бир давлатнинг истаги ёки кимларнингдир хомхаёли билан эмас, балки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди.

Ўзбекистонда юритилаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга доир сиёсат замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш вазифалари мужассам. Бу, ўз навбатида, қонунчиликни такомиллаштириш, одамлар ва мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини ошириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг тобора ошиб бораётгани, уларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Уларнинг сайловларда ўз хоҳиш-иродасини очиқ намоён қилиши, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ошкоралик ва транспарентлик таъминланган. Парламентга сайловларда сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши мамлакат ҳаётида демократик меъёрларнинг янада кенгроқ кириб бораётганига яққол мисол бўла олади.

— Мамлакатингиз илғор ва оқилона танланган тараққиёт йўлидан бормоқда, — деб таъкидлади конференцияда Буюк Британиянинг Кироллик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акинер. — Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга доир барча уринишлар мутлақо асоссиздир. Аслида, демократия шиорлари остида айрим Ғарб мамлакатларининг янги мустамлакачилик мақсадлари яширинган. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини таъминлаш доирасида барча мамлакатлар билан тенг, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бироқ, бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг миллий ғурури кучли. Агар кимдир унинг манфаатлари билан ҳисоблашишни истамаса, бирон-бир шериклик муносабатлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бугун Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга уринаётган баъзи қудратли давлатлар юзага келган бундай вазиятдан, аввало, ўзлари азият чекмоқда. Шуниси қувончлики, бундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз қобиғига ўралиб қолмасдан, аксинча, халқаро ҳамкорликнинг истиқболли стратегик режаларини ишлаб чиқмоқда. Бундай муносабатларнинг ривожланишидан бошқа мамлакатлар ҳам манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон нафақат муҳим геосиёсий мавқега эга, балки минтақавий муаммоларни ҳал қилишда ҳам етакчи ўрин тутади.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатхалийнинг фикрича, демократиянинг Ғарб моделини мажбуран тиқиштириш борасидаги кучли ташқи тазйиқларга қарамасдан, Ўзбекистон ўзгаришлар жараёнида ўз йўли, қадимий маданияти, анъаналари ва халқ менталитетига содиқ қолмоқда ва сўнгги йилларда сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиш йўлида улкан натижаларга эришди. Минтақа мамлакатлари ички ишларига демократияни ёйиш шиори остида четдан аралашиш Марказий Осиёда хавфсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис бу масала бугун ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ҳиндистоннинг Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Мальхотранинг фикрича, ` кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси демократик жамиятни барпо этиш узоқ давом этадиган жараён эканини кўрсатмоқда. Бунда ҳар бир халқнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, эътиқоди, маънавий қадриятлари ҳисобга олиниши зарур. Чунончи, Голландияда демократик жамият 150 йил мобайнида, АҚШда эса 200 йил давомида шаклланган. Дунёда демократиянинг ягона ва универсал модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳиндистонлик эксперт демократия ва эркинлаштириш жараёнлари, ташқи кучларнинг истаги ёки муайян сиёсатдонларнинг қарашларидан эмас, балки халқ, унинг хоҳиш-иродаси, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шу сабабли ҳам демократияни экспорт қилиш ёки куч ишлатиш йўли билан ўрнатиш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида ўз мустақил йўли бўлиб, эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич, тадрижий равишда олиб борилмоқда. Бу йўл мамлакатда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосини ташкил этади, деди Р. Мальхотра.

Анжуманда сўзга чиққан экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар республика аҳолиси томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса ислоҳотлар самарадорлиги ва муваффақиятининг асосий кафолатидир.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

❖ Қонун ва шарҳ

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУКАММАЛ БЎЛИШИНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ривожланган мамлакатларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш долзарб вазифа саналади. Бу борада юртимизда ҳам катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, ижтимоий хасталиклар сирасига кирувчи инсон организмида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш, уни даволаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2005 йил 26 сентябрда «Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури» қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Жорий йилнинг 3 майида «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга киритилди. Шу муносабат билан мазкур Қонуннинг амалга киритилиши, унинг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги роли борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Аслиддин РУСТАМОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Йод етишмаслиги касалликлари энг кўп тарқалган хасталиклар турига киради. Манбаларда кўрсатилишича, ер шарининг бир ярим миллиардга яқин аҳолиси айнан йод етишмаслигидан азият чекмоқда. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сайёрамизнинг 800 миллион аҳолиси қалқонсимон безнинг катталашиши, яъни эндемик бўқоқ билан касалланган. Маълумки, йод инсоннинг барча аъзолари ва тизимлари ривожланишида асосий омил ҳисобланган гормонларни ишлаб чиқарувчи қалқонсимон безнинг меъёрда ишлашини таъминловчи асосий микроэлемент ҳисобланади.

Йоднинг ҳатто энг кам миқдордаги етишмаслиги ҳам кишининг иш қобилияти ва интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис мамлакатимизда йод етишмаслиги муаммосини ҳал этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ аҳолининг ош тузига бўлган эҳтиёжи асосан республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига қопланмоқда. Республикамизда етарли миқдорда ош тузини экспорт қилиш имкониятига эга бўлган туз ишлаб чиқариш саноати йўлга қўйилди.

2005 йилда қабул қилинган «Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури» асосида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, туз саноатини технологик модернизациялаш, тегишли қонунчилик базасини мустаҳкамлаш бўйича чоратадбирлар амалга оширилаяпти.

Дарвоқе, бизда йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Айни дамда туз ишлаб чиқарувчи 65 та корхона мавжуд бўлса, шундан 26 тасида йодланган ош тузи ишлаб чиқарилади. 65 та корхонадан 40 фоизи лабораториялар билан таъминланган, 35 фоизи эса тегишли талабларга жавоб бермайди. Лекин кейинги йилларда 14 та асосий туз ишлаб чиқарувчи корхона йодланган туз ишлаб чиқариш бўйича техник модернизация қилинди. Юртимизда Ўзбекистон Туз ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси тузилган.

Европа давлатлари, Осиё ва МДҲ мамлакатларининг тажрибасидан маълумки, ушбу муаммони самарали ҳал этиш масаласи тегишли қонунлар доирасида амалга оширилиши мумкин. 95 та мамлакатда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ёки ош тузини йодлаш тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон ҳам бу борада ҳуқуқий ҳужжатга эга. Шу йил 3 майда қабул қилинган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аҳоли орасида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Таъкидлаш жоизки, бешта боб ва 25 моддадан иборат мазкур Қонун олимлар, шунингдек, йодланган туз, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мутахассислар фикр ва тажрибалари асосида ишлаб чиқилган.

Қонунда йод етишмаслиги касалликлари профилактика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилган. Унда истеъмол бозорини йодланган ош тузи ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назоратини ўрнатиш, соҳада илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, болалар ва фертил ёшидаги аёлларни таркибида йод бўлган воситалар билан таъминлаш, йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш учун ишлатиладиган дори воситаларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари белгиланган.

Ушбу соҳадаги давлат бошқарувини республика Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

Қонунда йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш, аҳолини тегишли ахборотлар билан таъминлаш тартиби ҳам белгиланган. Унинг 14-моддасига кўра, йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир тадбирларни молиялаштириш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

«Йодланган тузга ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар» деб аталувчи 4-боб еттита моддани қамраб олган.

Белгиланган талабга кўра, республикада ишлаб чиқарилаётган ош тузи йодланиши шарт. Қолаверса, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат стандартлари, қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Белгиланган яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари утилизация қилиниши, саноат йўли билан қайта ишланиши ёки қайта йодланиши керак.

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари сертификатлаштирилади, уларни қадоқлаш, ўраш, тамғалаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ва нормаларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши шарт. Ушбу маҳсулотлар мамлакатимиз ҳудудида фақат махсус қадоқланган тарзда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этилган ҳолда олиб кирилиши мумкин.

Мувофиқлик сертификати бўлмаган ва яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланади. Қонунда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари кўрсатилган.

Хусусан, ушбу талабларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган жиноий ва маъмурий жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сотиш» номли 186-моддаси, «Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш» номли 189-моддаси, «Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш» номли 257-1 моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Санитария қонун ҳужжатларини бузиш» номли 53-моддаси, «Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш» номли 164-моддаси, «Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларисиз сотиш» номли 166-моддаси ёки «Стандартларни бузиш» номли 212-моддасида аниқ белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Қонун қабул қилиниши мамлакатимиз аҳолисини ташвишга солиб келаётган инсон организмида йод етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга реал имконият яратади. Қолаверса, ҳар биримиз ўз саломатлигимиз, оила аъзоларимиз саломатлиги борасида қайғуришимиз, соғлом турмуш тарзига риоя этмоғимиз, энг муҳими, йодланмаган ош тузини истеъмол қилмаслигимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Наргиза ПИРНАЗАРОВА ёзиб олди.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши жамоаси «Нуроний» жамғармаси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Н.Куленко, О.Деҳқонов, Р.Мақсудов, У.Ўринбоев, В.Зубковлар хонадонларига бориб, улар ҳолидан хабар олинди, совғалар топширдилар.

✧✧✧

Шаҳардаги 5-поликлиника бош шифокори, ҲДП аъзоси Мукаррамхон Пўлатова етакчилигида шифокорлар 13 нафар уруш ногирони, 13 нафар Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган, 6 нафар яккаёлғиз ва 49 нафар меҳнат фахрийлари соғлигини тиббий назоратдан ўтказишди. Уруш фахрийларига керакли дори-дармонлар берилди.

✧✧✧

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати, ҲДП аъзоси Равшан Раҳимов бош бўлган «Қўқон спорт» АЖ жамоаси 10 нафар уруш қатнашчиси, 15 нафар меҳнат фахрийси ва 8 нафар якка-ёлғизни йўқлаб, уларга совғалар улашди. Шунингдек, 5-, 30-, 32-мактабгача таълим муассасалари, «Саховат уйи» ҳамда 17-, 11- «Меҳрибонлик уйи»да байрам тадбирларини ташкил этиб, иштирокчиларга совғалар топширди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари

❖ Интеллектуал бойликка эга ёшлар — келажагимиз

ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА ҚАНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Айтинг-чи, мазкур танлов ўтган йилдагилардан нимаси билан фарқ қилади?

— Танловнинг 2006 йилги босқичлари муддати бу йилга келиб ўзгартирилди ва минтақавий саралаш босқичлари жорий йилнинг июнь ойида, аризаларни қабул қилиш эса 1 мартдан 20 майгача белгиланди. Минтақавий босқич ғолибларини тақдирлаш учун ташкил этиладиган маросимлар эса Мустақиллик байрами арафасида, байрамона ташкил этиш мақсадида сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Ёшларнинг танловда иштирок этиш истаги юқорилигини инобатга олиб, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам туман босқичларини ўтказишга келишиб олдик. Ҳар бир номинация бир неча йўналишлардан иборат. Шу боис ҳакамлар ҳайъати финал босқичида бадиий ижод номинациясида 10 нафар ва қолган номинацияларда 6 нафардан кўп бўлмаган номзодларни аниқлайди.

— Ҳозирда ариза топширган ёшларнинг сони қанча ва маълумотларни тўплаш қандай тартибда амалга ошириляпти?

— Жорий йилда танловга аризалар қабул қилиш тўғрисида жойларда махсус штаблар ташкил этилди ва тўпланган маълумотлар ҳар ҳафта «Келажак овози» республика ёшлар ташаббуслари марказига юборилмоқда. Ҳозирги кунга келиб танловда иштирок этиш истагида бўлган ёшлар сони 16 мингга етди, аризаларни қабул қилиш эса ҳали ҳам давом этаяпти.

Шу ўринда танловнинг минтақавий босқичига тайёргарлик жараёни ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. 20 майдан сўнг аризаларни қабул қилиш ишлари якунлангач, кейин ёзма равишда тайёрланган ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъатига кўриб чиқиш учун топширилади (бадиий ижод, ижтимоий лойиҳалар, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар). Ушбу минтақавий саралаш босқичини июнь ойида махсус жадвал асосида республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказишни режалаштирганмиз.

— Маълумки, яқинда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳам ташкил этилди. Унинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Бугун барча вилоятларда марказ ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу орада Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона вилоятлари марказлари фаоллари ёшларни бирлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўтказишга улгуришди. Жойларда марказимиз фаолларига етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, Навоий, Андижон, Қашқадарё вилоятларида маҳаллий ҳокимиятлар кўмагида уларга алоҳида бино ажратиш масаласи ҳам ҳал этилди. Шуни фахр билан айтиш керакки, марказнинг пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида барча замонавий талабларга жавоб берадиган янги биноси фойдаланишга топширилиши фаолиятимизни янада кенгайтиришга ёрдам берди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида ўнлаб талаба-ёшлар замонавий кутубхона тизими, компьютер ва интернет хизматидан фойдаланишлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга қаратилган лойиҳалари ҳақида янги маълумотларни олишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда йирик акциялардан тортиб, кундалик муҳокамаларгача бўлган турли тадбирларни ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар бор.

Яна бир янгилик: Жорий йилнинг июль ойида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг мавсумий ёзги оромгоҳи ташкил этилади. Бу оромгоҳда 300 га яқин марказ фаоллари нафақат ҳордиқ чиқаришади, балки ўз билим ва малакалари, интеллектуал салоҳиятларини оширишга қаратилган семинар-тренингларда қатнашишади. Янги лойиҳа ва режалар устида иш олиб боришади.

Хуллас, марказ ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очишга кўмак берадиган жамоат ташкилотидир. «Келажак овози» — бу барча интилувчан ва ташаббускор ёшлар овозидир!

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *марказ фаолиятидан лавҳа.*

❖ 2007 ЙИЛ – Ижтимоий ҳимоя йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Республика репродуктив саломатлик ўқув-услубий марказида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, гинекологик хасталикларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнлари борасида қатор илмий изланишлар олиб боряпти.

— Марказимиз мутахассислари бу борада белгиланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори, профессор Маҳмуда Каттахўжаева. — Ҳар йили тиббиёт институтлари ва коллежларининг қарийб етмиш нафар мутахассиси марказимизда малака оширади. Уларга тегишли соҳалар бўйича мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётида ортирилган илғор тажрибалар, даволаш жараёнида қўлланилаётган замонавий техника ва технологиялар, дори-дармон воситалари хусусида кенг маълумот берилади.

Марказ ҳузуридаги эллик ўринли клиникада гинекология, ҳомиладорлар паталогияси, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўлимлари ташкил этилган. Бу ерда шифохона шароитида йилига икки минг нафарга яқин аёлга тиббий ёрдам кўрсатилади ва бир минг икки юз нафардан зиёд оператив муолажа бажарилади. Поликлиникада эса ҳар йили қарийб минг нафар аёл маслаҳат-ташхис ёрдамини олмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, марказда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тиббий муҳофазалашга эътибор қаратиляпти.

Диагностика жараёнида қўлланилаётган ядро магнитли резонанс томограф ва лапароскоп аппаратлари касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш имконини бераётир. Муолажа жараёнида фойдаланиладиган замонавий техник ва технологик ускуналар беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлигини оширяпти. Маълумки, марказ жаҳон тиббиётининг илғор тажрибасини ўзлаштириш мақсадида Австрия, Жанубий Корея, Россия сингари мамлакатларнинг нуфузли илм-фан марказлари ва клиникалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бинобарин, бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва камолга етишини таъминлаш ҳамда аёллар саломатлигини асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Малоҳат РАҲМОНОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Ёш журналистлар клуби» аъзоси

Суратда: М.Каттахўжаева талабалар билан.

❖ 18 май – Халқаро музейлар куни

ТАРИХ КЎЗГУЛАРИ

Музейлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олган бебаҳо маданият масканларидир. У орқали ҳар биримиз ўтмиш ҳақида зарур маълумотларни билиб оламиз, бой маънавий ва моддий меросимиз хазинасидан баҳраманд бўламиз.

— Бугунги кунда ташкилотимизга республикамизнинг кўзга кўринган 62 та музейи аъзо бўлиб кирган, — дейди **Халқаро музейлар кенгашининг (ICOM) Ўзбекистон миллий қўмитаси раиси Дониёр Болтабоев** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Миллий қўмитамиз очилганига бу йил ўн йил тўлади. Аввало айтиш жоизки, Халқаро музейлар кенгаши яъни ICOM 1946 йилда ташкил этилган бўлиб, нодавлат ташкилоти ҳисобланади. У БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашида маслаҳат мақомига эга. Ташкилотимиз ЮНЕСКО билан расмий алоқалар ўрнатган ва унинг музейлар билан боғлиқ барча дастурларини амалга оширишда кўмаклашади.

Ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида «ЮНЕСКО — ICOM» маълумот маркази ташкил этилган. Айни пайтда ICOM жаҳоннинг 140 мамлакатида 21 мингдан ортиқ аъзога эга. Ташкилот қошида ишчи орган сифатида 30 та халқаро қўмита доимий асосда фаолият олиб боради. Шунингдек, унинг жойлардаги дастурларини мувофиқлаштириш мақсадида 116 та мамлакатда миллий қўмиталар ташкил этилган. Улар орасида Ўзбекистон миллий қўмитаси ўзининг муносиб ўрнига эга. Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган ICOM Бош ассамблеяси мажлисларида Ўзбекистон вакиллари мунтазам равишда соҳанинг долзарб масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб келади.

Ўтган давр мобайнида турли давлатлардаги ўттиздан ортиқ миллий қўмита билан муносабатларни йўлга қўйдик ва ўзаро ҳамкорлигимиз тобора ривожланиб бормоқда. Шу ўринда Россия, Франция, Германия, АҚШ, Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Люксембург ва Словения каби музейшунослиқда катта тажрибага эга мамлакатларни алоҳида тилга олиш лозим.

1977 йилдан буён дунёнинг деярли барча мамлакатларида анъанавий тарзда кенг нишонланиб келаётган «18 май — Халқаро музейлар куни» касб ходимлари ва музей ихлосмандлари учун ўзига хос бир байрамга айланиб кетади. ICOM томонидан бу кун ҳар йили янги бир шиор билан аталиши, кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши анъана бўлиб қолган. Жорий йилги тадбирлар дастури «Музейлар ва умумбашарий мерос» номини олди. Албатта, мазкур сана биз учун қайсидир маънода соҳада амалга оширган ишларимизнинг йиллик сарҳисоби ҳамдир.

Кези келган экан, иш бошлаганимизнинг ўн йиллик санаси арафасида фаолиятимиз ўзининг янги босқичига кўтарилганини фахр билан айтиб ўтишни истар эдим. Биз Испанияда соҳибқирон Темурга бағишлаб ўтказиладиган кўргазма мувофиқлаштирувчиси ҳисобланамиз. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда «Клавихо — Амир Темур» Испания — Ўзбекистон дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Яқин кунларда Люксембург тарих музейи ва ушбу мамлакат миллий қўмитаси билан ҳамкорликда бу ерда Ўзбекистон археология ёдгорликлари кўргазмасини ўтказамиз. Словения миллий қўмитаси ташаббуси билан мазкур давлатда этнография йўналишидаги музейларимиз кўргазмалари бўлиб ўтади. Бундан ташқари, АҚШнинг Портленд шаҳрида жойлашган «Интерста» маданият марказида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган ўзбек халқ амалий санъати кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган. Индонезиянинг «Апекс» ташкилоти билан биргаликда Индонезия, Малайзия ва Бруней давлатларида Ўзбекистон тарихига бағишланган катта кўргазма ташкил этилади.

Ўзбекистон — жаҳоннинг камдан-кам мамлакатларигагина хос бўлган бебаҳо ва беҳисоб маънавий ҳамда моддий меросга эга давлатдир. Юз минглаб бундай ноёб осори-атиқаларимизнинг фото суратларини ягона маълумотлар базасига жамлаб, улар билан дунё ҳамжамиятини янада яқинроқ таништириш мақсадида Интернет тармоғида Ўзбекистон веб музейини яратиш устидаги амалий ишларимиз ниҳоясига етмоқда. Ўйлайманки, бу юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сонининг янада ошишига имкон беради.

Шу кунларда Наманган шаҳрида бўлиб ўтаётган уч кунлик семинар давомида республикамиздаги музейлар фаолиятини ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Миллий қўмитанинг вазифаларидан ҳисобланган ишлар, яъни аҳоли орасида музейлар ҳақидаги тушунчаларни кенг тарғиб этиш, касб ва тажриба алмашувини мустаҳкамлаш ҳамда ходимлар малакасини оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, маданий меросни сақлаш ва улар ноқонуний талонторож этилишининг олдини олиш борасида тегишли органлар билан яқин алоқаларни ўрнатиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Келажакда қўмитамиз барча музейларимизнинг халқаро алоқаларни йўлга қўйишларида ҳамда бу муносабатларни ривожлантиришларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига ишончим комил.

Лазиз РАҲМАТОВ ёзиб олди.
«Жаҳон» АА

XORIJDA

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА КЎРА

ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛГАН СУДЬЯЛАР ЯНА ИШГА ҚАЙТДИЛАР

Маълумки, Украина Конституциявий суди судьялари Валерий Пшеничний (30 апрелда), Сюзанна Станик (1 майда) ва Владимир Ивашченко (10 майда) мамлакат президенти Виктор Ющченко фармонига кўра, ишдан бўшатилган эди. Бироқ судьяларнинг арзини кўриб чиққан суд эса (қайси судлиги аниқ айтилмаган) президент фармонини амалдан тўхтатиб, уларни ўз ишига тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Бу ҳақда Украина Олий Радаси спикери Александр Мороз журналистларга маълум қилди, дейилади «Украинская правда» газетаси тарқатган ахборотда.

Адлия вазирлиги Конституциявий суд фаолиятида иштирок этишга рухсат берувчи ижро варақасини уларга тақдим этди.

АМАЛДАГИ БОШ ВАЗИР

ЯНА ЎЗ ЛАВОЗИМИДА ҚОЛДИ

Сербия ҳукуматини яна амалдаги бош вазир Воислав Коштуница бошқарадиган бўлди. Мамлакатдаги «Демократик партия», «Сербия демократик партияси — Янги Сербия» ҳамда «Г-17 плюс» партиялари вакиллари ўзаро келишиб, шундай қарор қабул қилишди.

Энди Сербия парламенти (Халқ Скупшинаси) ҳукумат таркибини тасдиқлаши ва янги ҳукумат қасамёдини қабул қилиши лозим.

Агар Халқ Скупшинаси ҳукумат таркибини тасдиқламаса, мамлакат президенти Борис Тадич шу йил 21 январда сайланган парламентни тарқатиб юбориши мумкин.

Эслатиб ўтамиз: «В92» ахборот агентлигининг маълум қилишича, январдаги парламент сайловларида «Сербия радикал партияси» ғалабага эришган. Парламентдаги ўринлар сони бўйича президент етакчилигидаги «Демократик партия» иккинчи, бош вазир етакчилигидаги «Сербия демократик партияси — Янги Сербия» эса учинчи ўринни эгаллаган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, сайловдан кейин ўтган давр мобайнида депутатлар парламент коалициясини тузиш ва янги ҳукумат таркибини сайлаш масаласида ҳануз бир тўхтамга келолганлари йўқ. Парламент спикери, радикал партия вакили Томислав Николич эса бир неча кун аввал истеъфо берган.

15 май ҳукуматни тасдиқлаш учун охирги муддат қилиб белгиланган эди. Агар шу муддат ичида ҳукумат таркиби тасдиқланмаса, Скупшина тарқатиб юборилиши лозим.

Сербия Конституциясига кўра, мамлакат бош вазири лавозимига номзодни президент тавсия этади, албатта, барча партиялар фракциялари вакиллари билан маслаҳатлашувлардан сўнг. Тавсия этилган номзодни эса парламент кўриб чиқади.

Воислав Коштуница ҳукуматни 2004 йилдан буён бошқариб келмоқда.

СИНОПТИКЛАРНИНГ БАШОРАТ ҚИЛИШЛАРИЧА

ЕВРОПАДА ЁЗ ЖУДА ИССИҚ КЕЛИШИ МУМКИН



Бу йилги баҳорнинг иссиқ ҳарорати Европада рекорд даражага етди. Март ойидаёқ Европада ҳарорат меъёрдагидан 5 даража юқорига чиқиб олди. Минтақанинг айрим ҳудудларида ҳалиям ёмғир ёққани йўқ. Ёз эса ҳали тарихда кузатилмаган натижаларга олиб келиши мумкин.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти огоҳлантиришича, ёз, айниқса, Скандинавияда ўта иссиқ келар экан. Шунинг учун Европанинг кўпгина давлатларида табиий иқлим билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкинлигини мутахассислар яширмаяптилар. Жумладан, Италия маъмурияти юзага келиши мумкин бўлган сув тақчиллиги билан боғлиқ бу йилги муаммолар хусусида ҳукумат мажлиси ўтказди. Швейцария ва Австрия ҳукумати эса ўрмон ёнғинлари келиб чиқишининг олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш тараддудида.

Экспертларнинг фикрича, — дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, — бундай иқлимий ўзгаришлар «парник эффекти»нинг ҳосиласидир. Бундай ўзгаришлар нафақат қишлоқ хўжалигига, балки инсонлар саломатлигига ҳам хавф солади, айниқса, Европада тропик касалликлар тарқалиши мумкинлиги ҳақида экспертлар огоҳлантиришмоқда.

БУРҒУЛАШ УСКУНАЛАРИ

ДАВЛАТ ИХТИЁРИГА ЎТКАЗИЛАДИ



Венесуэладаги нефть қазиб олиш билан шуғулланувчи барча трансмиллий компаниялар-нинг бурғулаш ускуналари яқин кунларда давлат ихтиёрига ўтказилади. Мамлакатнинг энергетика ва нефть вазири Рафаэл Рамирес берган манбаларга асосланиб, «Reuters» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, Венесуэладаги халқаро компаниялар, жумладан, Американинг «ExxonMobil», «Chevron», «ConocoPhillips», Британиянинг «BP», Франциянинг «Total» нефть бурғулаш компаниялари «фойдаланиб туриш учун» аввалги ҳукуматдан 18 та бурғулаш ускунаси олган.

Эндиликда Уго Чавес ҳукумати бу каби давлат мулкларини давлат ихтиёрига ўтказмоқчи ва улар устидан қатъий давлат назоратини ўрнатмоқчи.

Шу йил февралда мамлакат президенти Уго Чавес нефть соҳасини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги фармонга имзо чеккан. Ушбу фармон 1 майдан кучга кирди. Эндиликда президент энергетика ва коммуникация активлари устидан ҳам давлат назоратини ўрнатмоқчи.

Нефть экспорти бўйича Венесуэла дунёда бешинчи ўринда туради.

«SAMAT-SAMANDAR» хусусий фирмасининг мақоми «SAMAT-SAMANDAR» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилди. «SAMAT-SAMANDAR» хусусий фирмасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича «SAMAT-SAMANDAR» масъулияти чекланган жамияти ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Маликов кўчаси, 13-уй. Телефон: 135-69-02.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг

акцияларини харид қилиб, мулкдор бўлинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари **2010 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГА ҚАДАР СОЛИҚҚА ТОРТИШДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН.**

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

фойда солиғи ва ягона солиқ бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

«Пахта банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингида бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

Имкониятларни қўлдан бой берманг!
Даромадингизни янада кўпайтиринг!

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақами орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 173-25-51.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!





«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги етакчи соҳа меҳнаткашларини касб байрами —
Тоғ ва металлургия саноати ходимлари куни ***билан чин дилдан табриклайди!***



Бу кун мустақил Ватанимиз солномасидаги катта байрамлар қатори етти йилдан бери тантанали нишонланиб келинмоқда. Демак, кон қазувчилар, фойдали қазилмалар ва металлни қайта ишловчиларнинг машаққатли меҳнати ўз қадрини ва тасдиғини топмоқда. Барчангизга келгусидаги яратувчилик меҳнатида улкан муваффақиятлар, соғлик ва саломатлик, бахт ёр бўлишини тилаймиз.

Республикамиз ривожига қўшаётган бунёдкорона ҳиссангиз барқарор ва абадий бўлсин!



МАЪРИФАТ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Қўнғирот туманидаги «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамияти жамоаси тумандаги 47 та корхона, ташкилот ҳамда муассасага шартнома асосида 96 миллион сўмлик газета ва журналлар етказиб беради.

Ўтган йили газета дўконлари орқали аҳолига 87,4 миллион сўмлик газета-журналлар, турли канцелярия товарлари сотилди. Бундан 20 миллион сўм соф даромад олинди.

Суратда: *«Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Гулистон Исмоилова.*

Б. АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат

❖ Тақдимот

«МУРУВВАТ» — КАТТА ЭКРАНДА

Азал-азалдан меҳр-оқибатли бўлиш, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш, бир сўз билан айтганда, мурувват камарини маҳкам боғлаб, одамларга яхшилик улашиш халқимизнинг энг олий қадриятларидан саналиб келган. Хусусан, жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам ушбу боқий тамойил бугун мамлакатимиз сиёсатининг ажралмас қисмига айланганлигини кўрсатиб турибди. Яқинда Киночилар уйида бўлиб ўтган «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти «Мурувват» бадиий фильмининг тақдимот маросимида ҳам худди шу ҳақда сўз борди.

Фильм давомида режиссёр Бақо Содиқов бошчилигидаги гуруҳнинг бу галги ижодий жараёни осон кечмаганлиги яққол кўринади. Негаки, ушбу фильмда одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзбек йигитининг мардлиги, жасорати асосий планда намойиш этилган. Шунингдек, садоқат ва вафо каби ғоялар, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги абадий кураш асар мазмунининг янада теранлашишига, зиддиятли вазиятларда ўзига хос бадиий ечим пайдо бўлишига олиб келган.

Сценарий муаллифи Улуғбек Содиқов томонидан танланган қаҳрамонлар образи, диалогларнинг ўта содда ва тушунарли тузилганлиги томошабин билан экран ўртасидаги ўзаро яқинликни таъминлаган, асар характерини янада бойитишга хизмат қилган. Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Афзал Рафиқовлар ҳамда Фахриддин Шамсиматов, Карим Мирходиевлар билан биргаликда Фарангизхон Ражаметова сингари умидли актрисалар маҳоратидан фойдаланиш, Зулхумор Ҳошимова, Азиза Шарипова, Феруза Солиева каби янги номларни фильмга олиб кириш унинг мувафақиятли чиқишини таъминлаган.

— Шукрки, бу муқаддас заминимиз ўз тарихида не-не жаҳонгирлар, азиз авлиёларга Ватан бўлган, — дейди халқ артисти Теша Мўминов. — Уларнинг бебаҳо маънавий мероси бугунги авлодлар онгу шуурида яшамоқда. Фильмнинг «Мурувват» деб номланишида ҳам айнан шу узвийлик бор.

— Бугунги кунда ҳар ойда янги-янги фильмлар тақдимоти ўтказиляпти, — дейди Тошкент молия институти талабаси Илҳом Шерматов. — Лекин улар ичида «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулотлари алоҳида ажралиб туради. «Мурувват» фильми менга шуниси билан маъқул бўлдики, унда оддий ҳаётий фалсафага асосланган, шу куннинг воқеа-ҳодисалари экранда ўз аксини топган. Гўёки ёнимиздаги одамлар турмушидан олинган.

Биз премера давомида, қолаверса, фильм намойишидан сўнг ҳам бундай фикрларга гувоҳ бўлдик. Томошабинлар томонидан айтилган бу каби илиқ таассуротлар эса фильмнинг мувафақиятли чиққанлигидан далолат беради. «Минг бора эшитгандан бир марта кўрган яхши» деганларидек, Сиз ҳам «Мурувват»ни катта экранларда томоша қилинг, сўзимиз ростлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Спорт

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Бухорода жисмоний ва интеллектуал доираси чегараланган болалар махсус олимпиадаси давом этмоқда

Спешл Олимпикс халқаро ташкилоти томонидан ўтказилаётган мазкур анжуманнинг тантанали очилиши ҳаяжонли бўлди. Инсонлар қалбида ақлий ва жисмоний имконияти чекланган болаларга нисбатан меҳр-оқибат, дўстлик, инсонпарварлик, эзгулик, саховат туйғуларини уйғотишга хизмат қиладиган бу спорт анжуманининг очилишида тўпланганларни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Самойиддин Ҳусенов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Спешл Олимпикс халқаро ташкилоти таъсисчилари аъзоси Марк Фельтгенлар қизғин табриклаб, спортчиларга омад тиладилар.

— Бухорода биринчи бўлишим, — деди Марк Фельтген, — шаҳрингиздаги обидалар, Ўзбекистондаги ўзгаришлар олдида лол қолдим. Тўғриси, мамлакатингиз Президенти спортга, болалар камолотига алоҳида эътибор бераётганини махсус олимпиадага кўрилган тайёргарлик исботлаб турибди. Бугунги ўйинлар биргина Ўзбекистон учунгина эмас, балки ўрта Осиё учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Мусобақа иштирокчиларига кўмакдош сифатида қатнашаётган 500 га яқин кўнгиллилар, ўнга яқин қўшни давлатлардан келган болалар, уларга яратилган шароитлар бундан далолат бермоқда.

Кеча олимпиада мусобақаларига старт берилди. Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Туркия, Туркманистон ҳамда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган йигирма икки жамоа қадимий шаҳарнинг замонавий спорт мажмуаларида ўзаро беллашмоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Орамиздаги одамлар

ПОЛВОНЛАР УНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Очиғи, полвон билан полвон тилида, чавандоз билан чавандоз тилида гаплашиш осонмас. Уларни тушуниш ва чуқур англаш учун ўзингизни камида давра кўрган полвон ўрнига қўйиб кўришингиз керак. Ғози Раҳмон спорт журналистлари орасида ўзига хос тили ва ёзиш услуби билан танилган ана шундай ижодкорлардан бири.

Чироқчининг тоғли Лангар ота қишлоғида туғилиб ўсган таниқли ёзувчи ва публицист, шоир, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ғози Раҳмон машҳур ва номдор полвону чавандозлар ҳақида ёзган китобу мақолалари билан эл назарига тушган.

Ғози ака «Ғози полвон» бўлиб, тўй-ҳашам, томоша ва тадбирларда давра айланиб, кураш тушганини ҳамма ҳам билмаса керак. Манаман, деган алп полвонларнинг ёқасидан ушламаган бўлса-да, анчамунча таниқли курашчиларнинг курагини ерга теккизганлардан бири эканини ҳали-ҳали эслаб юришади даврадошлари. Ва ўз навбатида полвонлару чавандозларни мадҳ этувчи юзлаб мақола-очерклар ҳам ёзди. «Орият шажараси», «Соҳибқирон юртининг полвонлари», «Қодир полвоннинг юртга қайтиши», «Қашқадарё полвонлари кураши тарихидан» китоблари фикримизнинг далилидир.

Қадимда ўтган насафлик Амин полвоннинг довруғи етти иқлимга кетганини эшитган, Ғози аканинг тинчи йўқолди. Шу баҳонаи сабаб қашқадарёлик полвонлар шажараси тарихини ўрганиб, уларнинг ҳозирги кунгача етиб келган зурриёдларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бел боғлади. Материал тўплаш баҳонасида вилоятнинг ҳар бир туманидаги қишлоқ-овулларни эринмай кезиб чиқди. Кекса-ю ёш полвонлар билан бирма-бир суҳбатлашди. Алалоқибат «Қашқадарё полвонлари кураши тарихидан» китобини чоп эттирди. Ўтган йили ўзбек миллий курашининг тарғиботи ҳақидаги туркум мақолалари ва юқоридаги китоби учун «Кураш — миллат ғурури» танловининг ғолиблигини қўлга киритди.

— Лангар ота қишлоғи қадимий овуллардан бўлиб, унинг ўзига хос тарихи бор. Шундай муқаддас жойларни не-не кишилар зиёрат қилмаган дейсиз? Айниқса, мустақиллик йилларида бу ерларга эътибор анча кучайди. Бу тупроқни зиёрат қилиб кетувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам қувончли. Қишлоғимизнинг муборак қадамжолари, бетакрор хонақоҳлари, шу ердан оқиб ўтиб «Қалқама» сув омборига қуйилаётган шифобахш Бошманбулоқ, жилдираб оқаётган Ҳожисойлар ҳақида рисола ёзишни ният қилган эдим. Яратганнинг қудрати билан навбатдаги асар дунё юзини кўрди, — дейди Ғози ака самимий табассум билан.

Ғози Раҳмон билан анча вақт бирга ишлаганмиз. У таҳририятнинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири эди. Гоҳида айрим жумлалар тўғрисида ўзаро баҳслашиб қолган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Мақолаларининг таҳририга қўл урсак, унчалик хушламай баъзида қаршилик қилиб қоларди: «Жумлаларни бузиб ташламанглар, ўзи шундоғам шеванинг бузилган шакли бу, қалам теккизсанглар маъноси ўзгариб кетади, бу сўзлар Навоийнинг изоҳли луғатида ҳам бор», дерди Чироқчи лаҳжасида жиғибийрон бўлиб.

Катталар билан оғир, босиқ, кичиклар билан эса ҳазул-ҳузул аралаш гаплашадиган Ғози Раҳмон шу кунларда олтмишинчи баҳорини қаршилаяпти. Гоҳи Сурхон, гоҳи Бухоро, бу ёғи Қашқадарёнинг қай бир бурчагида кураш ё кўпкари бўлаяпти, деб эшитса, бошқа ишларини ортга суриб, йўлга отланади. Давраларда полвонлар ҳақида гап кетса, димоғи чоғ бўлади, тонг отгунча гаплашади. «Полвонларни ҳамма замонларда ҳам қадрлашган, улар эл-улуснинг фахри бўлган», — дейди. Айтишича, янги бир китоб ёзишни кўзлаб турибди. У ҳам полвонлар ҳақида экан.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Хушхабар

БАА — ЎЗБЕКИСТОН — 0:2

Кеча футбол бўйича Пекин олимпиадаси саралаш учрашувларининг навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси сафарда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари устидан зафар қучди — 0:2. Ҳамюртларимиздан тўпларни Шавкат Саломов ҳамда Фарҳод Тожиевлар киритди.

Шундай қилиб, ушбу муҳим ғалабадан сўнг олимпиячиларимиз кейинги босқичга чиқиш имкониятини мустаҳкамлаб олдилар.

МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

19-20 май кунлари пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуида Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган I Республика ногиронлар спорт ўйинлари бўлиб ўтади

Мамлакатимизда ногиронлар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий ҳамда жисмоний камолотини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Республика Ногиронлар жамияти, Паралимпия миллий ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Нур» ногирон тадбиркорлар ассоциацияси ҳамкорлигида Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган I Республика ногиронлар спорт ўйинлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган.

— Икки кун давом этадиган ушбу мусобақада иштирокчилар спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича баҳс юритишади, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, республика «Нур» ногирон тадбиркорлар ассоциацияси раиси Фарҳод Абдурахмонов. — Илк маротаба ўтказилаётган тадбирда Тошкент шаҳри ва Самарқанд, Фарғона, Навоий, пойтахт вилоятларидан жами юз нафарга яқин иштирокчи қатнашиш истагини билдирган. Республика спорт ўйинларини ташкил этишдан мақсад натижа эмас, балки тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган инсонларга ўз имкониятларини намойиш қилишлари учун шароит ва имконият яратиш. Энг муҳими, тадбир қатнашчилари уларга жамоатчилик бефарқ эмаслигини ҳис этишсин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ногиронлар спортини ривожлантириш борасида бир мунча ибратли ишлар йўлга қўйилган. Ногиронлардан тузилган «Матонат» футбол жамоасининг ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритганлиги ва қатор халқаро турнирлар совриндори бўлиб келаётгани ҳам сўзимиз тасдиғидир. Бошланаётган бу хайрли тадбир эса келгусида янги-янги жамоаларни қамраб олиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси Яккасарой туман партия кенгаши аъзоси, 362-сонли махсус болалар боғчаси мудири С.Алиевага ўғли **УМИДЖОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 22 май, сешанба куни чиқади.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» очиқ акциядорлик жамияти Сайёҳлик агентлиги

«Буюк Ипак йўли»нинг Самарқанд ва Бухоро *шаҳарлари бўйлаб юқори қулайликларга эга бўлган* **«SHARQ»** ва **«REGISTON» тезюрар поездларида** *сайёҳлик гуруҳлари учун сафарлар уюштиради.*



Йўл давомида сайёҳларга керакли сервис хизматлари кўрсатилади, ичимликлар, енгил нонушта таклиф этилиб, қўшимча хизматлар тавсия қилинади. Биринчи класс вагонида йўловчилар видеофильм ва видеоклиплар томоша қилишлари, иккинчи класс йўловчилари эса мусиқа ва FM радиосини тинглаб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Манзилга етиб борганингизда Сизларни кутиб олган малакали гидлар қулай автобусларда тарихий обидалар бўйлаб унутилмас экскурсиялар уюштирадилар.

Шунингдек, Сиз миллий таомлардан баҳраманд бўласиз, ёдгорлик совғалари харид қилиб, мароқли ҳордиқ чиқарасиз.

Ўз ходимларини ажойиб дам олиш сафарига юбормоқчи бўлган ташкилот раҳбарлари учун бизнинг агентлигимиз «Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Тошкент» йўналиши бўйича туристик поезд ташкил этиши мумкин.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., «Мовароунаҳр» к., 51-уй (Мўлжал — «Темир йўл кассалари», «Темирйўлчилар» саройи қаршисида). Тел/факс: 199-71-83, тел.: 199-71-66, 136-46-18. uzjeldpass@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ётоқхонасида капитал таъмирлаш» «ҚМИ»га.

Қурилиш муддати — 2007 йил IV чораги ва 2008 йил I чорак.

Буюртмачи манзили: Фарғона шаҳри, Марғилон кўчаси, 78-а уй, телефон/факс: 222-80-89.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11212 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01.30
Topshirilgan vaqti — 02.00
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda